

## Қуръон ажойботлари



11:00 / 27.04.2023 1687

(биринчи мақола)

Ушбу мақолада Қуръони Каримнинг баъзи лафзларидаги мўъжизалари баён этилган. Мақолани тадаббур билан мутолаа қилган ўқувчи Қуръони Каримнинг нақадар илоҳий мўъжиза Калом эканлигини англаб етади.

1. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿مُهْرُكُمْ تَدْرِكُونَ﴾

«Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим» (Намл сураси, 23-оят)

Худхуд аёл киши раҳбарлик қиладиган қавми топганидан ажабланди, ҳайрон қолди. Шунинг учун «малика» демасдан, «аёл» деди. Бунга қўшимча равишда ўша аёлнинг тахтини «улуғ» деди, аёлнинг ўзини эмас.

﴿مِنْ شَرِّ عَالَمٍ﴾

«... Ҳамда унинг буюк тахти бор экан... (деди)».

Худхуд бу гапи билан ўша аёлни ўзи муносиб бўлган лойиқ ўринга қўйди. Қайсики, бу ўринга Ислом дини қўйган эди.

Имом Бухорий бобомиз ва Имом Термизий бобомиз ривоят қилишларича, Кисро вафотидан сўнг форслар унинг қизини подшоҳ қилишганини эшитган Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир ҳадис айтган эканлар. Имом Бухорий бобомиз саҳиҳ ҳадислар тўпламида бу ҳадисни икки марта такрор келтирганлар:

عَزَمَ الْمُؤْمِنُ أَوْلَادَهُ وَمَوَاقِلَهُ فَيَنْلِ

**«Ўз ишларига аёл кишини бошлиқ қилган қавм ҳаргиз нажот топмайди!»**

Қуръондаги ишлатилган лафзнинг гўзаллигига қаранг!

2. Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деган:

أَبِي شُرَّاسٍ أَلْعَثَاو

**«Бошга оқ туташди»** (Марям сураси, 4-оят)

Аллоҳ таоло бу оятда **أَلْعَثَاو** (ваштаъала, яъни туташди) деди. **لَدَبَاتٍ** (табаддала-алмашди) ёки **رِيغَاتٍ** (тағоййара-ўзгарди) демади. Чунки, **أَلْعَثَاو** сўзининг маъноси бир модданинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга айланишини англатади. Бунда ўша нарса олдинги ҳолатига қайтиши мумкин бўлмайди. Шунинг учун сочдаги оқлик ҳеч қачон қораликка қайтмайди. Олимлар ўртасида **«Сочдаги оқлик илдиздан келиб чиқадими ёки соч толаларининг ўзида бўладими?»** деган тортисув бор. Қуръон эса бунга **أَبِي شُرَّاسٍ** калимаси билан қисқа қилиб жавоб бериб қўйган. Бу калима накра (номаълум от) сифатида келган. Араб тили қоидаси бўйича, накра калима фаръ (шоҳ)ни ифода этади, асл (илдиз)ни эмас. Сочдаги оқлик ҳам толаларнинг ўзидадир, илдизида эмас. Бу Қуръон Аллоҳнинг Каломидир!

3. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деган:

وَعَزَّ شُرُّوهُنَّ أَوْ

**«Ва албатта, Шиъронинг Робби ҳам Унинг Ўзи»** (Нажм сураси 49-оят)

Муфассирлар айтишича, араблар жоҳилият даврида шиъро деган юлдузга

сиғинар эдилар. Астрономлар айтишича, мазкур юлдузнинг айланиш даври қирқ тўққиз йилни ташкил этади. Энг муҳими шуки, ушбу оят Нажм сурасидаги 49-оятдир.

*(Давоми бор)*

**Нозимжон Ҳошимжон**